РЕСПУБЛИКАМИЗДА МАВЖУД ЭРКИН - ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА АҲАМИЯТИ

Бекзод Абдукаримович Уразов
“Транспорт воситалари муҳандислиги” кафедраси
Жиззах политехника институти
E-mail: begmatov.b.1978@gmail.com

Давлат Рахмат ўғли Холиқов
“Ер усти транспорт воситалари ва тизимлари” мутахассислиги магистранти
Жиззах политехника институти
E-mail: davlatholiqov15@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада мамлакат ишлаб чиқаришини модернизация қилиш ва эркин саноат-иқтисодий зоналарни шакллантириш бўйича лойиҳалар муҳокама қилинади.

Калит сўзлар: иқтисодиётни либераллаштириш, модернизация, эркин саноат ва иқтисодий зоналар, транспорт.

ORIGIN AND SIGNIFICANCE OF FREE ECONOMIC ZONES IN OUR REPUBLIC

Bekzod Abdukarimovich Urazov
“Vehicle Engineering” department
Jizzakh Polytechnic Institute
E-mail*:* begmatov.b.1978@gmail.com

Davlat Rakhmat ugli Kholikov
Master in specialty “Ground vehicles and systems”
Jizzakh Polytechnic Institute
E-email: davlatholiqov15@mail.ru

ABSTRACT

The article discusses projects for the modernization of the country's production and the formation of free industrial and economic zones.

Keywords: Economic liberalization, modernization, free industrial-economic zones, transport.

КИРИШ

Мамлакатимизда иқисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, бозор субъектлари орасидаги хўжалик алоқаларини янада ривожлантириш ва самарали амал қилинишини талаб этмоқда. Бу борада ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар орасидаги ўзаро иқтисодий муносабатлар хусусан маҳсулотларни ташиш, сақлаш, тақсимлаш ва улар билан боғлиқ ахборотлар оқимини қайта ишлаш жараёнидаги муомала харажатларини камайтириш долзарб аҳамият касб этади.

Эркин иқтисодий зоналар -давлатлараро келишувларга ёки махсус қонунларга мувофиқ, хўжалик ва ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш учун имтиёзли солиқ, молия, ҳуқуқий шароитлар жорий қилинадиган муайян ҳудудлар. Хорижий ва маҳаллий тадбиркорларни жалб этиш мақсадларида ташкил этилади ва уларда зарур ишлаб чиқариш ва иш юритиш инфратузилмаси барпо этилади. Эркин иқтисодий зоналар кўп ҳолларда давлатлараро туташ ҳудудларда (бир неча давлатларнинг чегаралари туташган ҳудуд), халқаро аеропортлар, порт шаҳарларда ёки транспорт йўллари туташган ҳудудларда ташкил этилади.

Республикамизда мазкур соҳада бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда 14 та эркин иқтисодий зона мавжуд бўлиб, улардан айримларининг фаолияти анча жадаллашган. Хусусан, “Навоий”, “Ангрен”, “Жиззах”, “Ургут”, “Ғиждувон”, “Қўқон” ва “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зоналарида умумий қиймати 486 миллион долларга тенг 62 лойиҳа амалиётга татбиқ этилган, қолаверса, 4 минг 600 дан ортиқ иш ўрни яратилган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Биринчи Президентимизнинг 2013-йил 18-мартдаги “Жиззах” махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида”ги фармони асосида ташкил этилган махсус ҳудудда ўтган қисқа муддатда 19 та замонавий корхона ишга туширилди. Иқтисодий зонанинг Жиззах шаҳридаги ҳудудида 363,7 гектар майдонда 14 лойиҳани амалга ошириш учун 91,3 миллион доллар миқдорида инвестиция сарфланди. Замонавий технология асосида барпо этилган корхоналарда мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Доимий иш ўрнига эга бўлганларнинг 60 фоизи касб-ҳунар коллежларини битирган ёш мутахассислардир.

Ўтган йили эркин иқтисодий зонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 255,2 миллиард сўмни, экспорт ҳажми 11,9 миллион долларни ташкил этди.

Ҳозирги кунда ҳудудда автомобиллар ва юк машиналари учун тормоз колодкалари, телевизор, кондиционер, музлаткич, кир ювиш машинаси, микротўлқинли печ, светодиодли лампалар, полипропилен иплар, видео ва IP телефонлар, телекоммуникация ускуналари, интернет тезлигини оширувчи бутловчи қисмлар каби турли саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Шу билан бир қаторда яқин кунларда ишга туширилиши кутилаётган “Жиззахавто” автомобил заводининг қурилиш ишлари якунланмоқда, бу албатта Жиззах вилоятида иш ўринларининг ошиши ва вилоятнинг иқтисодий самарадорлигини ўсишига жуда катта ҳисса қўшади.

Еркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида президент фармонида қуйидагилар белгилаб қўйилган.

Фармоннинг 3-бандида кўзда тутилган имтиёзлар киритилган инвестициялар ҳажмига қараб 3 йилдан 10 йил муддатгача, жумладан:

300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар – 3 йил муддатга;

3 миллион АҚШ долларидан 5 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар – 5 йил муддатга;

5 миллион АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар – 7 йил муддатга;

10 миллион ва ундан кўп АҚШ доллари ҳажмидаги инвестициялар сўнгги 5-йилда амалдаги ставкалардан 50 фоиз кам ҳажмдаги даромад солиғи ва ягона солиқ тўлови ставкалари қўлланган ҳолда – 10 йил муддатга берилади.

НАТИЖАЛАР

Мазкур эркин иқтисодий зоналарнинг барпо этилиши маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ички ва ташқи бозорларда янги экспортга йўналитирилган маҳсулотларни ўзлаштиришига имкон берди ва инвесторлар фаолиятининг янада кенгайиши учун қўшимча шарт-шароит ва қулайликлар яратди. Асосан, булар замонавий қурилиш ва жиҳозлаш материаллари, истеъмол товарлари, телекоммуникация, нефтегаз технологик ускуналари, кимё, автомобил ва електротехника саноати ҳамда бошқа юқори технологик саноат ишлаб чиқариш йўналишларидаги маҳсулотлардир.

Шу билан бирга, еркин иқтисодий зоналарда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш, хориждан юқори технологик ускуналар харид қилиш учун Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағи ҳисобидан 100 миллион АҚШ доллари миқдорида чет эл валютасидаги кредит линияси очилган. Бугунги кунда ушбу еркин иқтисодий зоналарда умумий қиймати қарийб 300 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 32 та инвестицион лойиҳалар амалга оширилди. Бундан ташқари, ҳозирда хорижий инвесторлар билан биргаликда 23 та инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

МУХОКАМА

Ишлаб чиқариш ва маҳсулотларни истеъмол қилувчилар учун характерли бўлган логистиканинг асосий ҳолати(истеъмолчининг устунлиги,

сервиснинг юқори даражаси, бажариш вақтининг қисқариши ва бошқалар) транспорт тармоғидаги корхоналарга боғлиқ транспорт хизматлари бозорининг рақобат мавжуд бўлган шароитда, фарқли томони шундаки, транспорт тармоғидаги корхоналар бу масалани комплекс қарор қабул қилиш йўли билан ишлаб чиқади. Бундай сиёсатга транспорт жараёнини комплекс юзага келтиришга қаратилган барча қарорлар ва харакатлар киради. Юқори даражадаги халқаро стандартларга жавоб берадиган, мамлактни барча ҳудудларини ўзаро ишончли боғлайдиган ва минтақавий ҳамда жаҳон бозорларига чиқишни таъминлайдиган Ўзбекистон миллий автомагистралини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича кенг кўламли дастурни амалга ошириш ҳам ривожланиб бормоқда. Тармоқ корхоналари учун муҳандис-техник ходимлар 12 та мутахассислик бўйича Тошкент автомобил ва йўллар институтида, Қўқон, Бухоро, Урганч, Тошкент автомобил ва йўллар техникумида тайёрланади. «Ўзавтотранс» корпорацияси ҳузурида15 та автомобил ўқув комбинати ва уларнинг100 та филиали ишлайди.

Лекин шу ўринда табиий савол туғилади: мазкур йўналишда мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиляптими? Агар кичик саноат зоналарининг сармояларни жалб қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли фаровонлигини оширишдаги ўрнини таҳлил қиладиган бўлсак, уларда ҳамон ташаббускорлик етишмаслиги, фаолиятни ривожлантириш бўйича ишларни ташкил қилиш даражаси сустлиги кўзга ташланади.

Шу билан бирга, ушбу эркин иқтисодий зоналар жойлашган ҳудудларда мавжуд бўлган хом-ашё ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш экспортга мўлжалланган маҳсулотлар кўламини оширишга, замонавий саноат ишлаб чиқариш қувватларининг ташкил етилиши янги иш ўринлари барпо этилишига, бандлик даражасининг юқори бўлишига ва пировордида аҳоли фаровонлигининг ошишига олиб келади.

Ҳозиргача ушбу зоналарда умумий қиймати 535 миллиард сўмга тенг 1021 лойиҳа амалга оширилган, 9 минг 600 дан зиёд иш ўрни яратилган. Лойиҳалар доирасида нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидоргир бўлган йенгил саноат, кимё, озиқ-овқат маҳсулотлари, електр техникаси буюмлари, замонавий қурилиш материаллари, мебел ва бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари, келгусида 248 лойиҳани амалиётга татбиқ етилиши натижасида 11 минг янги иш ўрни яратиш режалаштирилмоқда.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида, юқоридагиларни амалга оширишда республикамизда мавжуд хом ашё махсулотлари, заҳираларини мақсадли бошқариш ва тайёр маҳсулотларни сақлаш, улар хақидаги тизим бошқарувини ташкил этиш вазифаларини амалга оширишда оқилона йўл тутиш, чет эл инвестицияларини кўпроқ жалб этишдан иборат.

REFERENCES

1. Ш.М. Мирзиёев. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз” –Тошкент : Ўзбекистон, 2017. - 56 б.
2. Ш.М. Мирзиёев. “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз” – Тошкент : Ўзбекистон, 2017. - 592 б Халматжанова Г.Логистика. Ўқув-услубий қўлланма.-Ф., 2014 й.
3. Нуруллаев, У. А., & Умиров, И. И. У. (2020). Создание программных средств автоматизированной информационной системы транспортных предприятий. *Academic research in educational sciences*, (1).
4. Адилов, О. К., Умиров, И. И., & Уразов, Б. А. (2020). Методика определения деталей, критических по надежности автомобилей. *Academic research in educational sciences*, (1).
5. Адилов, А. К., Сувонкулов, Ш. А., Кулмурадов, Д. И., Умиров, И. И., & Бойжигитова, И. А. (2019). Причины изменения технического состояния автомобиля. *Актуальные научные исследования в современном мире*, (1-2), 116-118.
6. Умиров, И. И. Ў., & Ҳамрақулов, Ё. М. (2020). Автомобиллардан чиқаётган газсимон чиқиндиларнинг атмосферага аралашиши. *Academic research in educational sciences*, (1).
7. Нуруллаев, У. А., & Умиров, И. И. (2020). Улучшения эксплуатационных показателей двигателей газобаллонных автомобилей. *Academic research in educational sciences*, (3).
8. Адилов, О. К., Умиров, И. И. Ў., & Барноев, Л. (2020). Транспортни ҳавфсиз бошқариш кўрсаткичларини баҳолаш. *Academic research in educational sciences*, (1).
9. Эшонқулов, М. З. (2020). Транспорт воситаларининг ишлаб-чиқариш техник база билан таъминланганлик даржаси тадқиқи. *Academic research in educational sciences*, (4).
10. Azimov A. "Avtomobilsozlik sanoatida polimer va kompozit materiallardan foydalanishning samaradorlik ko’rsatgichlari", OOO «Academic Research», Vol. 1 No. 1, 2020, (DOI: https://doi.org/10.24411/2181-1385-2020-00010).
11. Бегматов, Б. Я., & Ҳаққулов, Б. А. (2020). Кафолат даврида автомобилларнинг техник ҳолатини текшириш. *Academic research in educational sciences*, (3).
12. Internet saytlari. Lex.uz.